

МАҲМУД САТТОРОВ
АКРАМ КАТТАБЕКОВ
ОЛИС
ЮЛДУЗЛАР
ЖИЛОСИ

Толеингда бор экан яшаш,
Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб.
Бўлмай туриб, юртим, хомталаш,
Бош устингга келди Инқилоб.
Чора истаб жанг майдонидан
Самоларга учди унларинг.
Шаҳидларнинг қирмиз қонидан
Алвон бўлди қора тунларинг.
Қонга тўлди кафаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

ИНҚИЛОБ ФАРЗАНДЛАРИ

Инқилоб мавзуи совет адабиётида энг чуқур ишланган темалардан биридир. Кўп миллатли совет адабиётида социалистик реализм принципларининг шаклланиши уларда инқилоб темасининг қай даражада чуқур ва партиявий позициядан ишланиши билан бевосита боғланиб кетади. Шунинг учун тарихий-инқилобий асарлар тарихий прозанинг муҳим ва энг йирик турларидан бири сифатида ажралиб чиқди ва бугун ёшларни ота-боболарининг революцион анъаналари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек совет адабиётида гарчи инқилоб темаси Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси ва бошқа бир қатор кичик проза асар-

ларда ишланган бўлса, бу мавзудаги стук намуна — Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидир. Бу роман адабиётда бой анъана қолдирди.

Сўнгги даврда юзага келган М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Ж. Шариповнинг «Хоразм», Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедовларнинг «Ота», И. Содиқовнинг «Фарғона зулмат қўйнида», «Истиқбол сари», «Водийда баҳор», Н. Сафаровнинг «Момақалдироқ», Х. Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши», Ҳ. Ғуломнинг «Машъал», «Мангулик», Ш. Тошматовнинг «Эрк қуши», Й. Шамшаровнинг «Чироқ», Ш. Холмирзаевнинг «Қил кўприк» романлари, А. Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари», О. Ҳусановнинг «Давжон», «Сирли одам», М. Қориевнинг «Ойдин», М. Маҳмудовнинг «Боғдон қашқири», Л. Ҳасаннинг «Олтин камарли қочоқлар», Н. Қобулнинг «Ойқор» ва бошқа бир қатор қиссаларида Октябрь инқилоби арафасида ва совет ҳокимиятининг дастлабки даври ўзбек халқининг озодлик ва янги ҳаёт учун кураши жонли бадиий картиналарда акс этади. Албатта, бу асарларнинг барчаси бадиий мукаммаллик жиҳатдан турлича бўлиб, уларнинг ҳар бири Ўрта Осиёда инқилобий ҳаракатнинг қайсидир қиррасини ёритишга хизмат қилади.

Юқорида номлари зикр этилган асарларнинг кўпчилиги катталар билан бир қаторда болалар, ёш китобхонларга ҳам мўлжаллаб ёзилган. Бу хилдаги асарлар болалар тарихий прозасининг уфқини янада кенгайтирди.

Жумладан, Х. Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи А. Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари», М. Қориевнинг «Ойдин» қиссалари ва Ойбек, А. Қаҳҳор ва Н. Сафаровларнинг автобиографик повестлари болаларнинг севимли китоблари бўлиб қолди.

Янги давр бўсағасида

«Қасоскорнинг олтин боши» катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун ёзилган дастлабки тарихий саргузашт романдир.

Асарнинг бош қаҳрамони Намоз Пиримқулов асримиз бошларида Каттақўрғон мавзеида яшаб, курашиб, ўтган халқ қаҳрамони, реал тарихий шахсдир.

Намоз ботир ҳаракати ўзбек халқи олиб борган озодлик курашининг ёрқин саҳифаларидан биридир. Зеро, бу ҳаракат кўп минг сонли деҳқонлар синфининг умумхалқ озодлик ҳаракатига қўшилиб кетишини таъминлаган омил сифатида муҳим ижтимоий ва сиёсий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Намоз ботир образи А. Қодирий, А. Алматинская каби санъаткорларни ҳам қизиқтирган эди.

Ҳ. Тўхтабоев романда реал тарихий факт ва ҳодисаларга суяниб, Намознинг ҳаётий образини яратиш, материалларга объектив ёндашган ҳолда Намоз бошлиқ қасоскорлар ҳаракатининг ижтимоий характери ва ҳаракатлантирувчи кучини ойдинлаштириш, ниҳоят қаламга олинган давр ижтимоий-сиёсий картинасини тасвирлаб бериш ва замон воқеалари силсиласида Намоз ҳаракатининг ўрни ҳамда аҳамиятини бадиий тасвирлаб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Романда яратилган характерлар, воқеалар, эпизодлар мана шу масала атрофида мужассамлашади. Асарда биз Намозни кон-

кретт вазиятларда, реал шахслар билан мулоқатда, кундалик ижтимоий-маиший ҳаёт бағрида кўрамиз. Бу ҳолат китобхонга Намоз ботирни жуда яқиндан туриб таниш имконини беради.

Ёзувчи ҳар бир эпизодда меҳр билан таъкидлайдиган қаҳрамонининг бош хусусияти— унинг чинакам халқпарварлиги, ўз алами билан эмас, халқ гами билан қўлига қурол олган қасоскор эканлигидир.

Тарихий ҳужжатларни обдон ўрганган адиб Намознинг ўта иозик дидли, билимдон, сергак ва тадбиркор йигит бўлганлигини реал воқеалар ва кечинмалар воситасида кўрсатади.

Лекин ёзувчи қаҳрамони хислатлари тавсифига берилиб кетмайди, уни идеаллаштирмайди ва бу борада меъёрни унутмайди. Намоз мураккаб шахс, унинг чеклаиган томонлари, нуқсонлари ҳам йўқ эмас. Намозни шаклланган инқилобчи дейиш тўғри бўлмайди. У ҳали инқилобни тушуниш йўлида, холос. Шу тариқа роман автори Намоз курашининг ижтимоий характери ва ҳаракатлантирувчи кучига ҳам баҳо бера олади. Бу ҳаракат, дарҳақиқат, стихияли ҳаракат эди. Намоз атрофига унинг ўзига ўхшаш икки томонлама зулмдан тинкаси қуриган, аламзадалик туфайли қўлига қурол олган қасоскор йигитлар тўпланади.

Қасоскорлар курашида деҳқонлар ҳаракатига хос барча хусусиятлар намоён бўлади. Оддий деҳқоннинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилмоқ учун қурол олиб жангга чиқиши — аҳолисининг 90 фоизга яқини деҳқонлардан иборат бўлган Туркистон инқилобий ҳаракатла-

рида янги босқич юзага келаётганини англатар эди.

Сергей табиб жуда тўғри таъкидлаганидек, «муштлашишга қодир бўлган халқ баробара ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилишга ўтади».

Автор ҳаққоний тасвирлаб берганидек, Намоз ҳаракатига тарқоқлик («юзлаб йигитларга от миндирган эдим, белига қилич таққандим, қани улар?»), айрим қасоскорларнинг уюшмаганлиги ва ўзбошимчалиги («баъзан бу ўжар йигитларнинг бошини қовуштиролмай қийналаман»), охирги мақсад ва унга етакловчи ғоянинг ноаниқлиги («эрта ҳам, ундан кейин ҳам савалайверамиз»), тартибсизлик («мана, қирғий урган чумчуқлардек ҳар тарафга тўзғиб кетаяпмиз») каби хусусиятлар кўзга ташланади. Булар бошланиш даврида умуман деҳқонлар харакатига хос белгилар эди (Пугачёв ва Разин ҳаракатларини ҳам эслаб кўринг). Лекин айни пайтда бу уюшган, инқилоб сари тобора яқинлашиб бораётган ҳаракат ҳам эди. Намоз ўзи бошлаган катта ишни қай йўсинда давом эттиришни ўйлар, уни ҳозиргача бўлгандек олиб бориш мақбул эмаслигини тушуниб етганди.

У ўз йўлини ёритиши мумкин бўлган нурларни изларди («қоронғи кечада қолгандек сезяпман ўзимни»), бу нур—инқилоб ғояси эди. Ёзувчининг тарихий фактлар силсиласига асосланган бу концепцияси Намоз фожиасига ҳам оптимистик руҳ бағишлайди.

Романда асримиз бошида Туркистон халқига қилинаётган икки томонлама зулм ҳаддан ошиб кетганлиги инқилобий ҳаракатларнинг бош сабаби сифатида кўрсатилади. Ма-

ҳаллий эксплуататорларнинг бу жиҳатлари кози калон Шодихон тўра, Мирза Ҳомид, Мирза Қобил, Замонбек кабиларнинг хатти-ҳаракатида яққол намоён бўлади.

Чор ҳукумати Намоз ҳаракатини бостириш учун куч ва харажатни аямади. Чунки у яқиндагина бўлиб ўтган инқилоб бўронидан жуда чўчиб қолган эди. Ҳоким Геске жаноблариниг шахсан ўзи бу масала билан шуғулланиши, қасоскорнинг ўлдирилганлиги улар учун катта байрамга айланганлиги таги зил кетаётган чор ҳукуматига Намоз ҳаракати жуда катта зарба бўлганлигини кўрсатади. Пётр Заглада каби аскарларнинг қасоскорлар томонида ҳаракат қилиши чор армияси ҳам ичдан емирилаётганлигига ишорадир.

Ноёб шахслар фаолияти ва улар иштирок этган йирик воқеалар орқали даврнинг бундан ҳам кенгроқ манзараларини яратиш имкони бор эди. Агар даврнинг. ижтимоий ҳаётнинг бундан ҳам теранроқ бадиий тадқиқига эришилганда, Намоз ҳаракати Умумроссия инқилобий ҳаракатининг узвий қисми эканлиги ҳақидаги гоя янада типикроқ чиқиши шубҳасиз эди.

Маълумки, Намоз ўз даврининг фарзанди, қанчалик фавқулодда шахс бўлмасин, уни ўз муҳити етиштирган. Асарда Намоз характери, фаолияти билан ана шу муҳит ўртасидаги боғлиқлик етарлича очилмай қолган. Намоз исёнидек катта ҳаракатга пахсакашларнинг жазоланиши асосий сабаб бўлган эмас! Бу воқеа етилган вулқоннинг портлаши учун бир баҳона бўлди, холос. Ана шу вулқон қандай етилди, уни ҳаракатлантирувчи ички куч нимада ва қандай сабабларга кўра

бу ҳаракатга бошқа эмас, Намоз бош бўлиб қолди? Яъни, Намоз мулкдорларга, золимларга шунчалик кучли нафрати ва алами бор инсон сифатида маълум даражада руҳий жиҳатдан тайёрлаб келинниши лозим эди, деб ўйлаймиз.

Айрим саҳналарда қаҳрамонни романтик идеаллаштириш, саргузаштнавислик маълум тасодифларга, воқеаларнинг етарли далилланмаслигига ҳам йўл очган. Тўғри, болаларга жўлжаллаб ёзилган асарларда, айниқса Намоз каби қаҳрамонлар тасвирида ўрни билан романтик кўтаринкилик жоиз. Лекин бу воқеалар айни пайтда болаларни ҳам, катталарни ҳам бирдай ишонтирадиган бўлиши керак. Намоз чор аскарларини истаса жарга қулатади, истаса уларнинг кўзи олдида отларини олиб қочади, қўлга тушганда эса, ғайри табиий равишда қутулиб кетаверади. Шунинг учун ҳам айрим эпизодлар «Тутқич бермас қасоскорлар» фильмидаги баъзи саҳналарни бенхтиёр ёдга туширади.

Биз романда жуда кўп қаҳрамонларни кўрамиз. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бетакрор равишда тасвирлаб берилган деб бўлмайди. Намознинг бирон ўринда портрети чизилмайди, биз уни кўпинча тасаввур қила олмаймиз. Сергей табиб образи қарийб схематик, у фақат ўргатади, вазиятни баҳолайди, доим тўғри йўл кўрсатади. Арслонқул эса шунчалик мудҳиш жиноят учун психологик жиҳатдан етарли даражада тайёр эмас эди, деган фикрдамиз.

Таниқли прозаик Ш. Холмирзаевнинг тарихий-инқилобий мавзуга бағишланган «Қил кўприк» романи характерлидир.

Сурхон водийсида совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва босмачи каллакесарларга қарши кураш темаси фақат иккита асарда — А. Листовскийнинг «Боботоғ устида қуёш» романи ва О. Ҳусановнинг «Давжон» қиссасидагина қаламга олинган эди. Ш. Холмирзаевнинг мазкур романи шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Романда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Бойсун атрофида кечган воқеалар, мураккаб ва зиддиятларга тўла давр руҳи анча жонли акс этади.

Асарнинг марказий қаҳрамони — оддий камбағал йигит Қурбондир. Ёзувчи қаҳрамонни даврнинг мураккаб ташвишлари, қонли воқеалари орасидан олиб ўтади. Қўмондонлик топшириғи билан босмачи шайкалари тўпига кириб олган Қурбон душманларнинг разил мақсадларини фош қилади, инқилоб иши учун ҳаётини бахшида этади. Романда турк султонлиги ва унинг миссионери Анвар пошшонинг Туркистонни Россиядан ажратиб ўз колониясига айлантиришга уринганлиги конкрет тарихий фактлар ёрдамида жонли чизилади.

Асарда яратилган Ойпарча образи ҳам узоқ эсда қолади. Бу образ мунтазам ўсишда, ўзгаришда берилган. Бой қизи Ойпарчанинг узоқ иккиланиши охирида инқилобни, янги тузумни қабул қилганлиги, шу ўсиш қурбони бўлганлиги китобхонни ҳаяжонга солади. «Қил кўприк»да бундан ташқари бир қатор қизил аскар қўмондонлари, камбағал меҳнаткаш халқ вакиллари, босмачи шайкаларининг бир қатор вакиллари ва қўрбошиларнинг жонли образлари гавдалантирилган.

Айниқса асарда миллий колорит, сурхон водийси халқига хос тил хусусиятлари ифодали чиққан.

Бу ютуқлар романни ғоявий ҳам бадиий жиҳатдан мукаммал ёзилган деган хулосага олиб келмайди, албатта. Бош қаҳрамонга юклатилган ғоявий нагрузка анчагина енгил, эсда қоларли тўлақонли типлар ва характерлар кам, ҳаётни фалсафий идрок этиш анча бўш.

Маълумки, босмачилик темаси адабиётимизда кенг ишланган. Ёзувчи Санд Аҳмад ҳазил қилиб айтганидек, деярли ҳар бир босмачига биттадан асар тўғри келади. Бу мавзуга яна қўл урган ёзувчи мазкур ҳодисанинг янги, айтилмаган қирраларини топсагина, мукаммал бадиий типлар ярата олсагина, муваффақиятга эришиши мумкин. Афсуски, «Қил кўприк» романи бу жиҳатдан биз билган нарсаларга кўп янгилик қўша олмайди.

Асар тили дуруст ишланган бўлишига қарамай, мақсадсиз тасвирлар, баёнлар, ғоявий юк ташимайдиган узундан-узоқ диалоглар учраб туради. Романнинг якуний қисми ҳам анча сийқа: шунинг учун ҳам Қурбон ва Ойпарчанинг тасодифий ўлими китобхонни унча ишонтирмайди.

Тарихий-инқилобий мавзу сўнгги давр адабиётимизда пайдо бўлган бир қатор қиссаларда ҳам ўзининг юксак ғоявий-бадиий аксини топмоқда.

Тарихий асарда асосий нарса нима? деган саволга А. Н. Толстой «Бу маълум тарихий жараёнда шахс характерининг шаклланиши масаласи»»[1], деб жавоб берган эди.

[1] А. Толстой. О литературе, М., «Советский писатель», 1966, 207- бет.

А. Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» қиссасини ўқир эканмиз, Толстойнинг шу сўзлари беихтиёр ёдга тушади. Дарҳақиқат, мазкур асарда ёзувчи ўз олдига қўйган бош ғоявий ният повестнинг бош қаҳрамони бўлган ўспирин Файзулланинг шахс сифатида камол топиши, халқ курашчиси характерининг шаклланиши, унинг ҳақиқат излаб кезган «жин кўчалари»ни кўрсатиб беришдан иборатдир.

Файзулла Хўжаев ўзини ўраб турган ўша муҳит учун фавқулодда шахс эди: миллионернинг ўғли бўлган ёш йигитнинг меросдан, хузур-ҳаловатдан юз ўгириб, ўзи мансуб бўлган синфга қарши курашга бел боғлаши, халқ бахтини ўйлаб чексиз азиятлар чекиши бу анчайин типик ҳодиса эмас. Худди шу ҳолат ёзувчи олдига мураккаб вазифалар қўяди.

Маълумки, сабабиятнинг олий формаси бўлган тарихийлик принципи асарда қаҳрамон фаолияти ва унинг психологиясини фақат ҳаққоний акс эттиришнигина эмас, балки мана шу психологияни шакллантирган қаҳрамонни у ёки бу ҳаракатга ундаги ижтимоий ва руҳий сабабларни очишни ҳам кўзда тутади. Шу муносабат билан М. Горькийнинг «Тасвирланаётган ҳар бир одам маъданга ўхшайди: унинг шаклланиши ёки бузилишини кўрсатиш учун шунга мос мафкуравий ҳарорат яратиш керак»[1], деган сўзларини эслаш ўринлидир.

А. Мухтор худди мана шу «мафкуравий ҳароратни» кўрсатиб беришга алоҳида эътибор қилади. Ёзувчи энг аввало қаҳрамон ҳаётининг қайноқ, тинимсиз изланишларга тўла даврини танлайди. «Энди ўн олтини қоралаб келаётган» Файзулладан Москвада ўтказилган беш йиллик ҳаёт ва ўқиш бутунлай бошқа одам ясади. Ўғлидаги бу ўзгаришни ҳаммадан бурун меҳрибон она сезади: «бир нима топгандай, яна бир нимасини йўқотгандай сар-сари эди боласи. Қайтди-ю, икки кунда уйга сиғмай қолди. Худди рубъи маскуннинг бутун ошубу ғавғоси бошига тушгандек. Кўриниб турибдики, дарди бор, гаплашадиган кимсаси йўқ». Бу дарднинг нима эканлигини ҳали Файзулланинг ўзи ҳам билмайди.

Ёзувчи тасвирида бош қаҳрамон — романтик табиатли йигит. Тинимсиз фикрлаш, ҳаётни тийрак мушоҳада этиш, эзгуликка, олий маънавий етукликка интилиш, жаҳолат, зўравонликдан норозилик, ички исён унинг табиий хислатларидир. Агар китобхон шу нуқтага эътибор бермаса Файзулланинг кейинги хатти-ҳаракатлари сабабларини тушуниб олиши ҳам қийинлашади. Шунинг учун ҳам ёзувчи қаҳрамоннинг аввало табиий шаклланган ва Москва таассуротлари асосида қатъийлашган шу ҳисларига қайта-қайта урғу беради.

Энди кўзини очган барра қўзичоқларни онасидан ажратиб, аёвсиз сўйишларини кузатганда отасининг ишига бўлган қизиқиши сўнади, хом терининг ачимсиқ ҳиди унинг кўнглини беҳузур қилади. Файзулла касал отасининг олдида ҳам тура олмайди: унинг олдига келиб-кетувчи Бухоронинг казо-казоларидан ўзини олиб қочади, уларнинг тижорат, нуқул мол-мулк юзасидан бўладиган

[1] М. Горький. О литературе. М., «Художественная литература», 1961, 231-бет.

мунозаралари ёш йигитнинг юрагини сиқади. Ўзи кузатган руслар ҳаёти, маданияти билан амирлик Бухоросининг ҳаётини солиштирар экан, Файзулланинг кўнглида қониқмаслик, норозилик кайфиятлари зоҳир бўлади. Худди мана шу қониқмаслик, норозилик уни жаҳолат, тенгсизликдан чиқиш йўлларини ахтаришга ундайди. Лекин ҳали унинг асл нияти ҳам, бу ниятга элтадиган воситалар ҳақидаги тушунчаси ҳам ўта мавҳум.

Революционер Шумилов билан учрашув ва суҳбат Файзулланинг мақсадларига бир оз ойдинлик киритади. «Мулоҳазаларим кўп, — дейди Файзулла унга. — Уларни кимга айтишни билмай юраман. Чунончи, инсон табиатининг азалий қисмати замини нимада?» Ёш йигит ўзини қийнаб юрган саволга шу суҳбатда жавоб топгандай бўлади. У кейинчалик ҳам тажрибали инқилобчи-большевикнинг «Биз она юртимизни севамиз — инсон табиатининг қисмат замини балки мана шудир», — деган сўзларини кечиб, маънавий юксакликка олиб борувчи «тадбири кор» ахтаришини, тинимсиз изланишини унинг мана шу юксак гояси, мақсади билан изоҳлайди.

Шу тариқа ёзувчининг моҳирона тасвири билан ёш қаҳрамон ўз синфи, маслаги, ўз муҳити, гоялари, яшаш тарзи ва тартиб-қоидаларидан тобора узоқлашиб, умумхалқ дарди, юрт ташвиши ҳақидаги юксак гоялар сари бурилиб боради. Лекин бу Файзулла Шумилов билан бўлган суҳбатдан кейиноқ инқилобчи бўлиб қолган, деган гап эмас. Ҳали қаҳрамон бу фикрдан жуда узоқ. Буни Файзулланинг Шумиловга айтган «Бизга сизнинг инқилобингиз керак эмас, инқилобингизни

кўрдик... Бизга сизнинг маданиятингиз керак» деган сўзларидан ҳам сезиш мумкин. Энг муҳими шуки, бу суҳбатдан кейин ёш йигитнинг дунёда пулдан, пул ясашдан ҳам кўра юксакроқ, эзгу, олий ниятлар борлигига ишончи ортади ва унга дадил интилишига қарори қатъийлашади. Қаҳрамон кириб чиққан «жин кўчалар» тасвири ҳам шундан кейин тобора кескин ва драматик тус олади. Чунки Файзулла яшаган муҳит унда пайдо бўлган ниятлар уруғи кўкарадиган замин эмас эди. Бу вазият уни янада фожиалироқ, даҳшатлироқ «жин кўчалар»га олиб кириши, адаштириши, ҳолдан тойдириши ва ҳатто маглуб қилиши мумкин эди. Қайноқ фикрли йигит билан хайрлашар экан, Шумилов ҳам шу ҳақда ўйлайди: «Эссиз, шундай зако, шундай эзгу талпинишлар... Ўзга муҳитда у шахс бўлиб етишарди. Бу «гоялар» чангалзорида эса, албатта нест-нобуд бўлади, афсус...»[1]. Лекин Файзулла нобуд бўлмади: Шумилов айтгандек, она юртга юксак меҳр уни ҳалокатдан сақлаб, жин кўчалардаги тинимсиз тентирашлардан кейин инқилобнинг ойдин йўлига олиб чиқди.

Ер очаман, халққа сув бераман, деб кўкракка урган князь Александр Ананьевичнинг «сукут сақлаб» қилган жиноятларини кўрган Файзуллада олий насабли барчаларнинг софлигига шубҳа уйғонади. Бу парса ёш йигитнинг Шоражаб муфти Зуфунунининг «руҳий камолот» ҳақидаги насиҳатларига берилиши-

[1] А. Мухтор. Бухоронинг жин кўчалари. Қисса. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1981, 24-бет.

га сабаб бўлади. Зуфунунинг «Кўнгилни ёллонинг ишқи-ёди билан тўлдирмоқ керакким, бад ниятга жое қолмагай» деган сўзларини Файзулла бирдан-бир нажот йўли деб қабул қилади. Тинимсиз мушоҳада қилувчи йигит бу платформада ҳам узоқ қола олмади. Негаки, бу қонда билан яшаш инсоннинг оёқ-қўлини боғлаб, фаолиятсиз қилиб қўйишини Файзулла тушуниб етади. «Мен имон, диёнат, руҳий поклик, инсон камолоти тарафдориман,— деди у яна тикка қараб,— аммо одам бу дунёда ҳеч бир муаммо билан иши йўқ, меъров бўлиб қолади-ку?»

Суннийлар билан шиалар ўртасидаги бемаъни қирғин ва бунинг устига Шоахсий аъламнинг жамғармани олиб қочиб, ватанфурушлик қилиб юрганлиги Файзулла юкуниб юрган руҳий камолот сароб эканлигини кўрсатиб қўйди. «Шоахсий бизнинг пулимизни эмас, имонимизни ўғирлаб қочди. Энди уламога ким ишонади? Энди сизга ким ишонади, устод? Нега мени алдадингиз?. . Яна бошим деворга келиб урилди», — деб нола қилади алам билан ёш йигит.

Файзулла адашиб кириб чиққан охирги «жин кўча» — Хўжа Зуҳриддин маҳдум бошлиқ жадид-маърифатчилар гуруҳи бўлди. «Биз илтижо — дуойи хайр билан эмас, тадбири-кор билан бандмиз», — деб тушунтирди ўз гуруҳи мақсадини маҳдум. Файзулла ўз ниятларига йўл топгандай бўлди: халқни саводли, маданиятли қилиш тўғрисида қайғура бошлади. Китоб-газеталар бостириш, янги усул мактаблар очиш ишига отасидан қолган меросни сарфлади.

Жадидларнинг ўзи тез орада икки платформага ажралганлиги ҳақидаги ўша давр ҳақиқати қиссада ўзининг объектив аксини топган. Зуҳриддин маҳдумнинг «Жарсумани ажалин дафъ этмоқ учун аввал ҳақиқий микробларни, яъни масалан, жоҳил уламо, талончи амир-амалдорларни йўқ қилиш зарур. Бизим душманимиз — инсон қиёфасидаги ана ўша микроблардир»,— деган оташин ва аламли сўзлари гуруҳни қоқ иккига ажратиб юборади. Асар қаҳрамони учун ҳал қилувчи момент — буюк бурилиш пайти келди. Худди ана шу вазиятдаги оқилона ва жасурона қарор Файзулланинг бутун келажагини белгилаб берди: у узоқ иккиланмай, тузумни ағдариб ташлаш тарафдорлари сафига ўтди. Файзулланинг ҳамфикрларини «озод қилиш юзаси» дан амир билан юзма-юз тўқнашиш картинаси бу узоқ адашишларнинг қонуний якуни бўлиб, асарнинг кульминацион нуқтасини ташкил этади. Энди у илгаригидек амир олдида қўл қовуштириб турмайди, инсонни хўрлаш асосига қурилган бу тахтнинг тагига сув кетганлигини энди Файзулла яхши англаб етади. «Музофот туманларидаги ғазабнок ғалаёнчилар зиндонингизга сиғмайди!»— дейди у қаҳр билан.

Файзулла йўлини топган, ишқилоб сари бораётган эди.

Қиссада, табиийки, айрим жузъий нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Назаримизда, қаҳрамонни тинимсиз фикрлаш, изланиш ва фаолликка ундаган қудратли ички куч ҳали ҳам керагидан камроқ кўрсатилганга ўхшайди. Гарчи бу воқеалар реал тарихий асосга эга бўлса-да, қаҳрамон шундан бошқача ҳаракат қила олмаслигига китобхонда заррача

шубҳа қолмаслиги керак. Файзулланинг князь Антоновский ҳузурига сафари бир оз иллюстратив характерга эга бўлиб, асар композициясига сингишмагандек таассурот қолдиради.

Асарнинг тили устида ёзувчи анчагина меҳнат қилганлиги кўриниб турибди. Лекин айни пайтда архаик сўзларни қўллаш масаласида меъёр сезиларли даражада бузилганлигини айтмай бўлмайди. Айрим саҳифаларда контекстда тушунарли бўлмаган эски сўзлар шу даражада қалаштириб юборилганки, махсус луғатсиз уларни тушуниб олиш тажрибали китобхонга ҳам мушкул. Ваҳоланки, энг яхши тарихий асарлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жуда оз миқдорда, ўрни билан ва албатта контекстда тушунарли бўлган сўзларнигина қўллаб ҳам давр колоритини, руҳини яратиш мумкин.

Умуман олганда эса, А. Мухтор жуда мураккаб ва айни пайтда, жуда зарур мавзуга қўл уриб, уни муваффақиятли ҳал этган.

Китобхон Файзулла қалбидаги силжишларининг, ички кураш, тиришмоқ изланишларининг жонли тасвирини кўради. М. Ю. Лермонтов «Баъзан биргина қалб тарихини кузатиш бутун бир элатлар тарихини кузатишдан ҳам мароқлироқ бўлади» деган эди. А. Мухтор чиндан ҳам бой қалб тарихини мароқли чизиб бера олган ва юксак бадиий-тарихий, психологик қисса яратган.

Сўнгги давр тарихий-революцион прозаси намуналари орасида болалиги бўронли инқилоб йилларига тўғри келган ва характери шу инқилоб пўртаналарида шаклланган халқимизнинг таниқли фарзандларининг хотиралари, кекса бўғин ёзувчиларимизнинг автобиографик қиссалари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги ёш авлод бу асарларда ўз ота-боболарининг сермашаққат болалигини, инқилоб оловларида тобланган ёшлигини, улар босиб ўтган зафарли ҳаёт йўлини кўради ва яқин ўтмишни бугунги нурафшон ҳаёт билан, ўзларининг бахтли болалиги ва ёшлиги билан қиёслаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» повестлари бир мавзу — ўзбек халқининг Октябрь инқилоби арафасидаги ҳаёти ва кураши мавзуига бағишланган. Уччала асар сюжети марказида ҳам 1916 йил колониал Туркистонининг турли чеккаларида бўлиб ўтган халқ қўзғолонлари ва норозилик ҳаракатлари туради. Лекин бир мавзудаги бу асарлар бир-бирини такрорламаган. Биринчидан, бу повестлар ўзларининг географик объекти ҳар хиллиги билан фарқланади. Ойбек биринчи жаҳон уруши йилларида тошкентликларнинг ҳаёти ва курашини, А. Қаҳҳор—Фарғона водийсининг чекка қишлоқлари халқининг фожиали турмуши, Н. Сафаров эса 1916 йилдаги машҳур Жиззах қўзғолонини қаламга олишади. Лекин мазкур асарларни фарқлайдиган асосий хусусият шугина эмас.

Маълумки, ҳеч қандай санъаткор, у қанчалик истеъдодли бўлишидан қатъи назар, даврнинг бутун қарама-қаршилигини, мураккаблигини ва шиддатини, яъни «ҳаётнинг қудратли оқими»ни (Бальзак) тўлиқ қамраб олиш имконига эга бўлмайди. Шу сабабга

кўра, бир давр ҳақида ҳикоя қилувчи бу қиссалар бир-бирини тўлдириб, китобхонга воқеликни ҳар хил кўринишларда, ҳар қайси ёзувчининг ўзига хос нуқтаи назаридан кузатиш имконини беради. Улар бирлашиб, ўша даврнинг кенг панорамасини яратади.

Ойбекнинг «Болалик» повестида биз етук сўз устасининг истеъдодига хос жилоларни бутун виқори ва гўзаллиги билан кўрамиз.

Повестда нисбатан қисқа давр олинади: унинг кульминацияси 1916 йил Тошкент қўзғолони воқеалари.

Адиб ўз ижобий қаҳрамонларини меҳр билан тасвир этади. Мусонинг отаси — вазмин ва меҳнаткаш Тошмуҳаммад, эзилган ва ҳуқуқсиз сокин ўзбек аёли — Мусонинг онаси, авторнинг жаҳонгашта ва доно боболари, опаси Каромат, болалик дўстлари — Аъзам, Тургун, Аҳмад ва бошқалар ёркин ва салобатли чиққан.

«Болалик» қаҳрамонлари меҳнаткаш ўзбек халқининг чидамлилиги ва меҳнатсеварлиги, донолиги ва исёнкорлиги ҳақида тасаввур беради. Муаллиф одамларда асрлар оша сақланиб келган жаҳолат, қўполлик, қолоқликдан кўз юммаган ҳолда оддий халқда бутун гўзаллик, маънавий бойлик, донолик ва ёркин ҳаёт қуришга буюк иштиёқ ва қудрат манбаини кўради ва бу хусусиятларни характерли деталларда маҳорат билан кўрсатади. Халқ ва қаҳрамон характери асарда мустаҳкам ички бирликда берилган. Мусо ўзини шу кўпчиликнинг бири деб билади. Ўз дўстлари Тургун, Аъзам, Аҳмад каби у ҳам халқ хислатларини ташувчи, унинг келажагини қурувчи янги актив авлод вакили тарзида намоён

бўлади. Ўзининг бош эстетик принципи — инсон характерининг шаклланишини кўрсатишга содиқ қолган Ойбек, бу повестда ҳам кичкина Мусонинг катта ҳаётга кириб келиш жараёнини жуда нозиклик ва атрофлича тадқиқ қилади. Жажжи қаҳрамон ўзи яратган гўзал ва поэзияга тўлиқ дунёда яшайди. Бу ерда ҳамма нарса гўзал. Қаҳрамон ўз фантазиясидан ташқарида бунга бутунлай қарама-қарши бўлган дунё — реал ҳаёт мавжудлигини ўйлаб кўришдан ҳали йироқ. Шунинг учун ҳам дастлабки таассуротлари — бобосининг саргузаштлари ҳақидаги ҳикояси ҳам, Каромат берилиб ўқийдиган Навоийнинг фусункор ғазаллари ҳам, Наврўзнинг байрам қилиниши ҳам унинг хаёли яратган поэтик дунёга мос келгандек туюлади. У ҳали дадасининг нега ҳар гал сафардан қайтганда айвонга қопини қўйиб чуқур «уф» тортишини ҳам, бобосининг нега фақат саргузаштли ўтмиши хотираларида таскин топиши, Навоийнинг ғазаллари нега Карокатнинг кўзига ёш келтиришини ҳам ўйлаб кўрмайди.

Ойбек, Горький таъбири билан айтганда, «болалигини онгли ва талантли эслаб қолган» ёзувчилар тоифасига киради. Лекин бу болалик хотиралари Ойбекка шунчаки ширин эсдаликлар сифатида эмас, балки ана шундай қийин, баъзан фожиали вазият ва шароитларда инсон, унинг қарашлари, характери шаклланганлиги учун қимматлидир.

Қаҳрамон халқ билан бирга ўсади, у билан бирга ҳаётнинг нобоплиги ҳақида дастлабки хулосаларга келади, болаликнинг ширин хаёлларини ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати эгаллай бошлайди.

Ёзувчи фақат қаҳрамон ва халқ сиёсий онгининг ошиб боришинигина кўрсатиб қолмай, балки ёш Мусони бўлажак ёзувчининг поэтик қиёфасининг шаклланишини ёрқин деталларда кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор беради.

«Болалик»нинг бош хусусияти — унинг тарих билан ҳамоҳанглигидир. Ижтимоий мотив сюжет ривожи жараёнида ўзида даврнинг ҳамма катта-кичик воқеалари, ўзгаришларини жамлайдиган ўзакка айланади.

Биринчи жаҳон уруши, солиқларнинг ортиб бориши, бойлар ва чиновникларнинг зулми, подшонинг мардикор олиш ҳақидаги буйруғи, бу сиёсатга қарши халқ норозилиги, стихияли қўзғолонлар, янги революцион ғояларнинг ҳаётга тобора кенг кириб келиши...— булар ҳаммаси мисли кўрилмаган азоблар, қурбонлар, қон, ўлим, кўз ёши ичида содир бўлади. «Болалик» повестининг сюжет асосини мана шунга ўхшаш даврнинг конкрет воқеалари ташкил қилади.

Агар Ойбек ўз асарида «характер диалектикаси»га кўпроқ эътибор берган бўлса, А. Қаҳҳор ва Н. Сафаров диққат марказини қаҳрамон ва халқ оммасининг ҳаракат диалектикасига кўчирадилар.

А. Қаҳҳор «Ўтмишдан эртаклар»да материални ифодалашда традицион усул — хронологик тасвир принципидан чекинади.

Ёзувчи биографик материал олдига бошқалардан кўра ҳам кенгроқ вазифа қўяди: шахсий ҳаёт воқеалари асарнинг асосий ғояси бўлган — халқнинг жаҳолатга ботган фожиали ҳаёти ва унинг қудратли маънавий кучини кўрсатишга хизмат қиладиган пландагина танлаб олинади. Ёзувчини бошқа авторлардан фарқли равишда, оиласи тарихидан кўра кўрган ва кузатган воқеалари, айрим фожиали қисматлар кўпроқ қизиқтиради. Шу сабабдан автобиографик қаҳрамон бу ерда кўпроқ кузатувчи ролини ўйнайди.

Ёзувчи кескин синфий курашни кўрсатар экан, эксплуатацияга асосланган тузум, одамлар орасидаги йўқчилик туфайли туғилган майда конфликтларга, жаҳолат, қолоқлик, қўполлик каби иллатларга ва уларнинг манбаларига кенг эътибор беради.

Нега энди А. Қаҳҳор ўз повестини «Ўтмишдан эртаклар» деб атади? Тасаввур қилинг: Уста Абдуқаҳҳор миниб кетаётган «шайтон арава» — велосипедга кўзи тушиб қолган кампир эсидан оғиб йиқилади ва уч кундан кейин оламдан ўтади. Ёки: дунёни титратган биринчи жаҳон уруши бошланибди-ю, буни Бувайдаликлар икки ойдан кейин, унда ҳам Қўқонга бозорга тушган кишидан тўсатдан эшитиб қолишади. Бизга ҳозир оддий бўлиб туюлган нарсалар — кийим тикиш машинаси ҳам, патефоннинг овоз чиқариши ҳам, магнитнинг ўзига темирни тортиши ҳам чекка қишлоқ одамларига тенги йўқ мўъжиза бўлиб туюлади.

Темирчи Абдуқаҳҳорнинг хотини доктор-хонада туққанини эшитган кампирлардан бири ёқасини ушлади: «Ё қудратингдан, наҳотки, пахтани зовутга солади деб эшитган эдим, энди одам зовути ҳам чиқибди-да!» [1].

Бугунги китобхонга бу воқеалар чиндан ҳам эртак бўлиб туюлмайдими, ахир?

[1] А. Қаҳҳор. Асарлар. II том, Ғ. Ғулом номидаги Бадиий адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1967, 79- бет.

Ёзувчи бизни ўзининг болалик дунёсига олиб киради. Фарғонанинг чекка қишлоқларидаги ночор турмуш, диний фанатизм ва феодал бидъатларга бўғзигача ботган ҳаёт, қишлоғидан нарида нима бўлаётганидан бехабар, бутун ғами, орзуси бир парча нон бўлган, бечоралик «чақиб» ташлаган оми одамлар кўз олдимиздан бирма-бир ўтади.

А. Қаҳҳор энг кичик эркин фикр, белгиланган «темир қонун»лардан сал бўлсаям четга чиқиш муллалар, ерли амалдорлар, фанатик дин ҳомийлари томонидан кескин таъқиб қилинганини конкрет воқеалар орқали бадиий гавдалантиради. Оғир турмуш шароитида эзилган, инсонлик ғурури топталган, оддий ҳуқуқлар учун ҳам кураша олмайдиган даражага келтирилган, даврнинг забонсиз қурбонларининг бир қатор образлари чизилади. Дунёга нимага келганини билмаган, замон гирдиси олдида ожиз бўлган одамларни кўрсатар экан, ёзувчи бу нарсада уларнинг ўзини эмас, инсондаги ҳар қандай яхши хислатларни, олий интилишларни заҳарлаб, йўқ қиладиган ҳаётни, феодал тузумни қоралайди.

Буларнинг бири «Тешиктош» новелласидаги Бабардир. Ёзувчи уни шахсан танигани айтади. А. Қаҳҳорнинг таърифлашича, у ер юзида жой эгаллаб юрганидан ҳам хижолат бўлиб, ўтирган-турганда қимтиниб, қисиниб, кўзга камроқ ташланишга уринадиган киши эди. «Унинг бирдан-бир бахти — севган қизига уйланган» бўлиб, бу бахтидан ҳам айрилиб қолиш хавфи бечора йигитни бутунлай шошириб қўяди. Бабарнинг хотинини қутурган ит қопиб олади. Бирон ёрдам

ҳақида ҳеч гап йўқлиги устига, жувон аллақанча вақт кўчада ётиб қолади, «чунки жувонни кўтариб, уйга элтгани болаларининг кучи етмас, катталар эса номаҳрам эди» Медицина ёрдами ҳақида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрган эмас, чунки бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган А. Қаҳҳорнинг ёзишича, «у пайтларда қутуришга қарши эмлаш қишлоқда эҳтимоллик назариясидан ортиқроқ маълум эмас эди».

Хотинини даволаш ниятида Тешиктошга олиб бориш учун пул тўплаш мақсадида Бабар тиним билмай ишлади: одамларнинг хизматини қилди, сут-қатиғини сотди. Аммо унинг бошига яна мусибат тушди: уни ўғри гумон қилиб, қамаб қўйишади. Бабарни отхонага қамаб, устидан қулфлашни ҳам унутадилар. Лекин Бабарга қуллик, итоаткорлик психологияси шу қадар сингиб кетганки, у қочиб кетишни хаёлига ҳам келтирмайди. Аминнинг «эшик қулф эмас-ку, чиқиб кетавермадингми?»— деган саволига Бабар: «Ўзингиз қамаб қўйдингиз-ку, пошшолик одамисиз», деб жавоб беради. Эртасига Бабарни бақатерак остида чўққайиб ўтирган ҳолатда совуқда қотиб ўлганлиги ҳақида гап тарқалади. Кўп ўтмай, Олқордан Бабарнинг хотини ҳам қутуриб ўлганлиги ҳақида хабар келади.

Асосийси шуки, Бабар ўзининг бахтсизлигида тақдирдан бошқа ҳеч кимни айбдор деб билмайди. У ўзини ишн ўнгидан келмаётган киши ҳисоблаб, бу фожиаларнинг бош сабаби йўқчилик, жаҳолат ва уларни туғдирган тузум эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. У охиригача буни тушуниб улгурмай, дунёдан ўтиб кетади. Бабарнинг ва унга ўх-

шаш минглаб деҳқонларнинг бош фожиаси ҳам мана шунда эди.

А. Қаҳҳор асарининг кучи унинг ҳақиқатни акс эттиришида, ўша давр ҳаётининг ҳамма қирраларини бирдай аниқликда етказишидадир. Ёзувчи фақат эзилган, зулм натижасида мағлуб этилган чорасиз кишиларнигина эмас, адолатсизлик ва ҳақсизлик билан келиша олмаган, маънавий мағлуб бўлмаган, яхши ҳаёт учун тинимсиз кураш олиб борган одамларни ҳам алоҳида меҳр билан тасвирлайди. Ҳаётнинг қора томонлари асарда нурли томонларни тўсиб қолмайди ва шунинг учун ҳам китобхонда тушкун кайфият уйғотмайди. «Оғир ва салбий ҳодисалардан ҳам кўз юмиш ярамайди, — деб маслаҳат берган эди М. Горький, — ўтмишда бундай нарсалар кўп бўлган ва бу табиий ҳодиса. Лекин ижобий, ҳаётбахш ҳодисаларни алоҳида таъкидланг, уларни ёркин кўрсатинг»[1].

Худди шунингдек, А. Қаҳҳор повестида халқ қалбида асрлар бўйи сақланиб келган маънавий соғломлик тасвири берилади.

Чойхона ва йиғинлардаги халқ ҳазил ўйинлари, «гап»лардаги хурсандчилик ва кўнгилхушлик, аския, қочириқ, ҳазил-мутойибалар тасвирини эсланг. Меҳнаткаш халқнинг маънавий бойлиги, қудрати, ирода кучи очилади. Бу оммавий саҳналар, йиғинлар тасвири ёзувчи томонидан меҳр ва маҳорат билан яратилган.

Колониал сиёсат ва диний фанатизмнинг жон талвасасида уринишларига қарамай, узоқ

[1] Ф. Гладков. Сочинения в 5-ти томах, Т., 4, ГИХЛ, М., 1951, 7-бет.

фарғона водийсининг чекка қишлоқларига ҳам прогрессив ва революцион ғоялар, янги давр шабадаси ёриб кира бошлайди. «Ленин», «болишбек», «ҳуррият» деган янги сўзлар пайдо бўлади. Одамлар ҳам улар билан бирга ўсаётган Абдулланинг кўз ўнгида ўзгариб боради. Энди улар «илгариги тур деса турадиган, юр деса юрадиган» Бабарлар эмас, балки ҳақсизликка қарши дадил овоз чиқарадиган, адолатни кўкрак кериб ҳимоя қиладиган, янгилик кетидан қувиб, дунёни ўзгартиришга бел боғлаган янги қарашдаги кишилар бўлиб борадилар. Бу кўтарилишнинг бошида ҳунарманд, деҳқон, косиблар боради. Зулм ва адолатсизлик билан келишишни сира истамаган ақлли, тадбиркор ва жасур уста Абдуқаҳҳор, баззозни калтаклаган Додархўжа, душманларини айириб олган ва курашишга бел бойлаган Али Лайлак, Уммат — булар ҳаммаси зулм суяк-суягига бориб қадалган, унга қарши дадил қўзғалган оддий халқ вакилларидир. Отаси Абдуқаҳҳор ёш Абдулла учун ҳамиша мардлик ва инсонийлик намунаси бўлиб қолди. Шунинг учун бўлса керак, ёзувчи жанрга хос қонуниятдан чекиниб, асар марказига автобиографик қаҳрамон образини эмас, балки ўз отаси — доно ва жасур Абдуқаҳҳор образини қўяди. Бу образ орқали автор хусусий орқали умумийни, яъни оддий темирчининг ҳаёти ва тақдирида бутун халқ тақдирини акс эттиради. «Бу китоб, — деган эди «Ўтмишдан эртаклар»ни рус тилига таржима қилган машҳур рус ёзувчиси К. Симонов, — ватани ва халқи босиб ўтган йўлнинг бутун улуғворлигини яхши билган, унинг келажагига, қаттиқ ишонган

ва шунинг учун ҳам бизнинг кўз олдимизда қандай даҳшатли ва фожиали туюлмасин, унинг ўтмишини эслашдан ҳайиқмаган жасур одам томонидан ёзилган»[1].

Халқ оммасининг меҳнати ва кураши — «Кўрган-кечирганларим»нинг бош темасидир. Адабиётимизнинг шонли традицияси — халқчиллик Н. Сафаров повестида юксак революцион оптимизм билан узвий бирикиб кетади. Бу халқчиллик фақат айрим шахсларнинг ҳаётий ва исёнкорлик туйғулари тасвирида эмас, шунингдек, коллектив, омма тасвирида ҳам ўз ифодасини топади.

Оммавий саҳналар яратишда Н. Сафаров катта маҳорат кўрсатдики, шу хусусият асарни Ойбек ва А. Қаххорнинг автобиографик повестларидан кескин фарқлаб туради. Н. Сафаров 1916 йил халқ қўзғолонлари даврида она юрти Жиззах аҳолисининг бошидан кечирган азоб ва уқубатларини тасвирлаб беришни мақсад қилиб қўйган. Худди мана шу вазият — жиззахликларнинг метин иродаси, уларнинг зулм ва адолатсизликка қарши кураши, жасурлиги, ғалабага ишончи бутун китобнинг руҳини белгилаб берган. Китобнинг бошида ёрқин кўринадиган фожиавий руҳ, воқеалар ривожи силсиласида ўз ўрнини умид ва кураш туйғуларига бўшатиб беради.

Кичкина Назиржон, унинг оиласи, она шаҳри ва шу шаҳар халқи — «Кўрган-кечирганларим» повестининг қаҳрамонларидир.

Бошда улар ташқи дунё ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган ҳолда, ўз турмуш ташвишлари гирдобида сокин ҳаёт кечирадилар.

[1] «Дружба народов», 1970, 6-сон, 130-бет.

Лекин дунёни титратган замон довуллари уларнинг оҳиста қайиғини ҳам силкитади, парчалайди, яшаш учун курашиш шарт бўлган йўқчилик ва ҳуқуқсизлик оролига чиқариб ташлайди. Империалистик уруш, иқтисодий ва сиёсий танглик, мардикор олиш сиёсати, икки томонлама зулм исканжаси, яқинлашиб келаётган инқилоб — тузумнинг тагига сув кетказган замон тўлқинлари мана шулар эди.

Мана шу тариқа ўзлари ҳам тушуниб етмаган ҳолда жиззахликлар халқ қўзғолонларидаги иштироки билан адолат ва ҳуқуқ учун инқилобий курашнинг олдинги сафларига чиқиб қоладилар. Халқнинг сабр косаси тўлади ва ўз хўжайинларига, эзувчиларига қарши ҳал қилувчи жангга киради.

Исён ва унда ҳоким, ерли амалдорнинг калтаклаб ўлдирилиши жиззахликларга кўп ташвишлар келтиради. Оқ подшо дастлаб Жиззахни тўпга тутиб, бутун халқни қириб юборишга фармон беради. Кейинчалик фикридан қайтиб, шаҳар халқини кимсасиз дашту биёбонга Қийли ва Учтепа чўлларига ҳайдаб юборишга буйруқ беради.

Лекин жасур ва қаҳрамон халқнинг иродаси синмади, руҳи тушмади. Жазирама, сувсиз озиқ-овқатсиз чўлда ҳам у эртанги яхши кунга ишонч билан яшади. Халқнинг кучи-қудрати, унинг иродаси нималарга қодир эканлигини Назиркул шу ерда кўрди ва тушунди. Оч-яланғоч жиззахликларга ўзларининг охирги бурда нонини олиб келган қозоқ оғайниларининг камтарона ёрдами кичкина Назиржонга ҳамма камбағаллар биродар ва улар оғир кунда бир бирига суянчиқ бўла оли-

ши, уларнинг бирлиги ҳақида конкрет тасаввур беради.

Бу фожиали воқеалар тасвирланган боблар асарнинг кульминацион нуқтасини ташкил этади.

Ёзувчи халқнинг қаҳрамонона продасини, унинг ўлмас кучини ёркин саҳифаларда тасвир этган, айрим кишилар тақдири эса ана шу умумхалқ кураши фонида бўрттириб кўрсатилган. Санъаткор оғир турмуш эзиб ташлаган, тақдир тоши остида мағлуб қилинган одамлар ҳақида гапирганда ҳам уларнинг устидан бутунлай чизиқ тортиб қўймайди, аксинча, ана шундай давр майиб қилган кишиларнинг ҳам қалб тўридаги нурларини илғаб олади, уларнинг яшнаб ётган имкониятларини биринчи планга олиб чиқади. Автор уларни ачиниш ҳисси билан эмас, зулм қурбонлари сифатида алам билан қаламга олади, уларнинг маънавий дунёси бойлигини кўрсатади. Повестдаги зулм жонидан ўтган ва шунинг учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган жасур Жайноқ, Марьям хола, Жўра, кичкина она — Раъно ва бошқа кўпгина образлар адолатсиз тузум тақдирини майиб қилган кишилардир.

Болалик хотиралардаги энг ёркин, энг қадрли одам бу — ёзувчининг ўз онасидир. Ёзувчи бутун меҳр ва муҳаббатини, олий туйғуларини онаси образига қаратади. Бу мунис ва сокин ўзбек аёли ўзида халқ доно-лигини, бағри кенглигини ва софдиллигини мужассамлаштирган. У ёзувчи ўтган «турмуш университетлари»нинг биринчи ўқитувчиси бўлди. Тўрт девор орасида фақат ўзининг кундалик юмушлари билан банд бўлган аёлнинг

маънавий дунёси жуда бой. У маҳалла аёллари ўртасида ўзининг активлиги, қизиқувчанлиги билан ажралиб туради. У атрофида бўлаётган воқеалар билан қизиқади, уларнинг моҳиятини ўз имкониятлари даражасида талқин қилади. Ёзувчи онанинг активлиги ва қизиқувчанлигини чизар экан, деҳқон аёлларининг, ташқи ижтимоий муҳитдан бутунлай узилиб қолганини, сиёсий онги чекланганлигини характерли деталларда кўрсатади.

Повестда Роҳат ая каби самимий чизилган образлар анчагина. Марьям хола ва Жўра тақдири, Жайноқ ва Раъно қисмати ҳам ўша давр халқ ҳаёти ва тақдири ҳақида тасаввур беришга хизмат қилади.

Автобиографик жанрнинг илғор традицияларига суянган Н. Сафаров ўз олдига катта ғоявий ният — халқимизнинг инқилоб арафаси ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги ҳаётининг кенг эпик тасвирини беришни мақсад қилиб қўяди. Шунинг натижаси сифатида автобиографик асарнинг иккинчи китоби — «Наврўз» автобиографик романи дунёга келди.

Романнинг номи унинг мундарижасини тўлиқ очиб беради. Наврўз янги кун, янги давр, янги тузум воқеалари асарнинг сюжет асосини ташкил этади.

«Кўрган-кечирганларим» повестидан фарқли равишда бу китобнинг роман бўлишини тасвир объекти қилиб олинган давр материали белгилаб берган. Повестда, асосан, 1916 йил қўзғолони, унинг сабаб-оқибатлари, февраль буржуа революциясининг содир бўлиши драматик тасвир этилса, бу ерда энди тасвир кўлами анча кенг. Воқеалар, эпизод-

лар тез-тез алмашиниб туради, давр шидда
ти, ҳодисаларга бойлиги бир қатор қўшимч
сюжет шохобчалари яратишни тақозо қила
ди. Тасвир кўлами кенгайганлигининг ян
бир сабаби асар қаҳрамони Назиржонинг
кузатиш ва ҳаракат майдонининг кенгайган
лиги билан ҳам изоҳланади. Бу эса асарг
кўплаб эпизодлар, саҳналар, воқеалар олиб
кириш имконини беради, асарга эпиклик
бахш этади.

Романда қаҳрамонлар кўп. Чунки халқ
амалга ошираётган оламшумул ишлар янги
тузум қурилишидаги оммавий кўтаринкилик-
ни, ҳаётни революцион қайта тузишнинг
умумхалқ характерини кўрсатиб беришни
талаб қилади. Шу билан бирга ёзувчи ок-
тябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш, уни ёт
унсурлар хуружидан сақлаб қолишда ҳаёт-
мамот кураши олиб борган деҳқон ва косиб-
ларнинг айрим вакиллари образини алоҳида
бўрттириб чизади. Булар ревком раиси Ҳай-
дарбек, актив инқилобчилар Абдулла, Раҳ-
мат, Холмат, меҳнаткаш халқ вакиллари
Жайноқ, Назирнинг отаси Сафар, темирчи
Азиз, жасур ва софдил Мария Александров-
на ва бошқалар бўлиб, ёзувчи улар тақдири-
да ўша даврнинг муҳим белгиларини кўрсата
олган. Албатта, бу образларнинг ҳаммаси
ҳам романда тўлақонли чиққан дейиш қи-
йин. Масалан, Ҳайдарбек, Абдулла ва роман
охирида пайдо бўлиб қоладиган Мария
Александровнанинг ўғли каби образларга схе-
матиклик соя солиб туради.

Романда «Кўрган-кечирганларим» повес-
тидаги Жайноқ образи ҳам ўзининг тадри-
жий такомилини топган. Янги шароитда

унинг янги хислатлари, имкониятлари очила-
ди. У янги жамият қуришнинг актив ва онгли
аъзолари қаторидан ўрин олади. Аммо Жай-
ноқ романда қанчалик актив ва онгли рево-
люционер қилиб таништирилмасин, у по-
вестдаги табиийлигини бир оз йўқотганлиги
ҳам сезилиб қолади. У баъзан ёзувчининг
ғоявий «суянчиғига» айланиб қолади: ҳал
қилувчи моментларда — мажлис, митинг-
ларда пайдо бўлиб, оташин нутқ сўзлайди-ю,
яна ғойиб бўлади. Қаҳрамонни бундай актив
ҳаракатга ундаган ички куч яхши очилмай
қолган, унинг руҳий олами кенг тасвир этил-
майди.

Ёзувчи Назиркул, Оқил каби ёшларнинг
янги тузум шароитидаги ҳаётини чизар экан,
янги революцион авлод характерининг шакл-
ланишига алоҳида урғу беради. Н. Сафаров
таъкидлашича, бу авлоднинг шаклланиши
нисбатан тезроқ кечади, буни эса янги
ижтимоий шароит, инқилобий муҳит белги-
лаб беради. Шу муносабат билан романда
автобиографик қаҳрамон Назиржон образига
алоҳида эътибор берилади. Ёзувчи бу образ-
ни ўз характери мантиқи асосида изчил ри-
вожлантиради. Агар биз повестда уни етуклик
арафасида кўрган бўлсак, энди янги даврнинг
шиддатли оқими кўп масалада унинг кўзини
очади. Энди Назиржон ҳаётда дадил қадам
ташлайди, қийинчиликлардан чўчимайди, чун-
ки у ўз йўлини аниқ белгилаб олган. Роман
бобларидан бирида шундай символик ман-
зара бор: митингда шаҳар халқи номидан
В. И. Ленинга ёзилган хат муҳокама этилади.
«Хат овозга қўйилганда ҳамма билан бирга
мен ҳам қўлимни кўтардим»,— дейди Назир-

қул. Автобиографик қаҳрамон тақдири билан халқ, инқилоб тақдири шу тариқа қўшилиб кетади.

Кўриниб турибдики, Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Утмишдан эртаклар», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим», «Наврўз» автобиографик асарларининг тема ва гоясида ҳам, сюжет асослари ва образлар дунёсида ҳам муштарак хусусиятлар кўп. Лекин бу муштараклик уларнинг ҳар қайсисининг оригинал, бир-бирига ўхшамаган асарлар бўлиб қолишига халақит бермаган. Бунга ёзувчилар қандай қилиб эришдилар?

Бу етукликка санъаткорлар йиллар давомида ҳосил қилинган ўз такрорланмас услублари орқали эришган десак хато бўлмайди.

Ойбек ва А. Қаҳҳор истеъдодларининг ўзига хослиги эстетик принципларининг ижодларида намоён бўлишида ва биринчи навбатда, инсон образини яратишдаги ўзига хосликларида кўринади. Бу масалада ҳам ҳар иккала ёзувчи реализмнинг маълум талаблари ва доимий қонунларидан чекинмайдилар: ягъни қаҳрамон ҳаққоний, ҳаётий бўлиши, унинг ирода йўналиши ва ички руҳий ҳолати яхши очилиши лозимлигига тўлиқ амал қилинади. Лекин шу бир хил ҳақиқатга улар турли хил йўллар билан келадилар.

Ойбек ижодий принципига хос муҳим белгилардан бири — воқеаларни бош қаҳрамон атрофига уюштириб группалаш ва шу орқали унинг характери шаклланишини изчил кузатишдан иборатдир. Бу принципни биз унинг «Навоий», «Қутлуғ қон», «Улуғ йўл» ва уруш мавзуидаги «Қуёш қораймас» романларида ҳам кузатганмиз. Қаҳрамон

характерини яратишда Ойбек ўз автобиографик повестида ҳам шу принципига содиқ қолади. «Болалик» нинг сюжет асосини кичкина Мусо характерининг шаклланиш процесси, унинг улғайиб, онги ва қарашлари мунтазам ламиш жараёни ташкил қилади. Ва бошқа асарларда бўлганидек, ёзувчи бу жараённи атрофлича, изчил ва объектив тадқиқ қилади.

Повесть эпизодларини, бобларнинг боғланиши ва ички алоқадорлигини кузатиш асарнинг бош қаҳрамони характери тадрижининг босқичларини кузатиш демакдир.

Бадиий таҳлилнинг бош вазифаси ҳам инсон билан жамият ўртасидаги муносабат қонуниятларини очиш, аввало, уни ўраб турган тор муҳит ва шу орқали умумий ижтимоий муҳит ҳақида хулоса чиқаришдан иборатдир. Демак, бу ерда ҳам Ойбек давр хислатларини, ҳодисаларини уларнинг қаҳрамон онгида қолдираётган излари орқали кўрсатади, баҳолайди. Характер яратишнинг худди мана шу принципи асарнинг тасвир усулини ҳам белгилаб беради: воқеалар оддийдан мураккабга қараб боради, тасвирда сокинлик, вазминлик, қуюқ деталлаштириш, батафсил ҳикоя устун туради.

Шунга кўра, Ойбек реализмига, даставвал, ҳаётдаги конкрет, кўзга яхлит ташланиб турган томонларни, ёркин ва нозик деталларни қайд этиш, уларни акс эттиришда эса, атрофлича характеристикага мойиллик хосдир.

Ойбек услуби унинг ҳар бир топган детали каби, чиндан ҳам такрорланмас услубдир. Асарда қўлланилган деталлар маълум ҳолатни, вазиятни шундай аниқ ифода этадики,

сиз бир вақтнинг ўзида ҳам предметни, ҳам уни ким идрок этаётганини билиб оламиз.

Ёзувчи услубининг бош хусусияти — воқеа-ҳодисаларнинг ва предметларнинг аниқ тасвирланганлиги билан изоҳланади.

Ойбек «Болалик» повестида, бошқа тарихий асарларидаги каби, маиший картиналар яратишнинг устаси эканини намойиш қилади. Тарихий асарларда ўша даврнинг турмуш тарзи ҳақида тасаввур берувчи конкрет маиший картиналар, деталларнинг роли бениҳоя катта эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

«Болалик»да бундай маиший деталлар жуда ҳам кўп. Улар шу даражада жонлики, ҳатто ранги, сифати, ҳидини ҳам сезиб олиш мумкин, улар қўл билан ушлаб кўрса бўладиган даражада конкретлик хусусиятига эга. «Болалик» повести ўзининг тасвирдаги вазминлиги, улуғворлиги, турмуш тарзи ва маиший деталларининг қуюқлиги билан В. Скоттнинг тарихий романларини ёдга туширади.

Маҳорат мактаби

Характер ва муҳит муносабатини биринчи планга олиб чиққан ёзувчи, бу маиший картиналар ва деталларни бош қаҳрамон Мусонинг дунёқараши шаклланган ижтимоий муҳитни реалистик кўрсатишни талаб қилган даражадагина асарига олиб киради.

Автобиографик қисса учун материал танлашда, мураккаб давр ҳаётининг реал картинасини чизишда А. Қаҳҳор ўзига хос йўлдан боради.

Ҳаёт ҳақиқатини айтишда ёзувчи ҳамиша ҳам кенг масштабли, катта воқеа-ҳодисаларга мурожаат қилавермайди. Аксинча, тарихий ҳикояларда ҳам, «Ўтмишдаги эртаклар»да ҳам А. Қаҳҳор халқ ҳаётининг энг оддий, кундалик воқеаларини қаламга олади.

Ёзувчининг бошқа асарларида бўлганидек, повестда ҳам картинада ва тасвирларда чуқур маъноли ва конкрет ифодали тафсилотлар жуда кўп. Ёзувчи бу тафсилотларга берилиб кетмайди, уларни қалаштириб ташламайди ёки ўрин-ўринсиз ишлатавермайди, аксинча, бу тафсилотлар жуда табиий равишда, шунчаки йўл-йўлакай, қаламнинг бир нозик ҳаракати билан тасвирга кириб қолади. Ёзувчи полотнонинг ҳар-ҳар жойига бир қалам уриб, улуғвор пейзаж яратаётган рассомни ёдга туширади. Ёзувчи оиласининг очликка маҳкум этилган кунлари тасвирини бир эслаб кўринг: «Очлик бўлганда деҳқон келисининг кири, тегирмончи дўпписининг чанги билан бўлса ҳам, нарироққа бориб олади, лекин косибга қийин». Ёки: «Қора сигирнинг думига тикилиб, тут пишиғига ҳам етиб олдик. Шундан кейин унинг сувини сиқиб, шинни қиладиган бўлдик. Бу ҳам жонга тегди. Шиннини кўришим билан оғзим сув ичар, кўнглим айнир эди. Укам Умарали шиннилик косани узоқдан кўрса ҳам ғингшийдиган бўлди. Умарали бирон ножўя иш қилса, мен уни «ҳозир шинни ялатаман!» деб қўрқитардим».

А. Қаҳҳор ҳаёт «нукир-чикирлари» диалектикасини очишнинг устаси сифатида танилган. А. П. Чеховдан ўрганилган ва ёзувчининг ўзига хос таланти ва новаторлиги билан бойитилган бу принцип унга ҳаёт «майда-чуйда»лари орқали унинг улуғворлигини очиш имкониятини берди.

А. Қаҳҳор эстетик принципларининг бир муҳим хусусияти унинг асарларидаги фикр ва ғояларнинг ялангғоч берилмасдан, ўткир драматик вазиятлар ва характерли картиналарда ўқувчидан пинҳон ҳолда келиб чиқишидир. Кичкинагина ҳаёт парчасидан ёзувчи ҳаққоний ижтимоий ўткир, салмоқли хулосалар чиқара олади. Ёзувчи ўз фикрларини баён қилмайди, балки моҳирона топилган характерли ҳаётий деталлар орқали намоён этади. Бундан келиб чиқадиган яна бир муҳим хислат—бу А. Қаҳҳорнинг айтиб беришдан кўра, кўрсатишга мойиллигидир.

Ҳикоялашнинг ички мунозаралилиги, фош қилувчи пафос, сатрлар орасига яширинган ижтимоий подтекст А. Қаҳҳорнинг ўзига хос гротексли реализмини изоҳлайди.

Повестдаги мушфиқ Бабар тақдири тасвирини яна бир эслайлик. Ёзувчи ночорлик «эзиб қўйган бу икки бечора — Бабар ва унинг хотинининг охирги кунларини тасвирлар экан, бизни уларнинг фожиали тақдирига осмонни узоқ, ерни қаттиқ қилган, тенгсизликни тугдирган замон, тузум сабабчи эканлиги ҳақидаги хулосага олиб келади. Бу повелланинг бошқа қатор повеллалар каби кучи психологик таҳлилнинг маҳорат билан бажарилганидадир. Бу ерда Бабар фожиасига сабабчи бўлган кишилар номига на афратли автор лукмаси, на уларнинг портрети, на ижтимоий характеристикаси берилган. Ўта кузатувчанлик ва усталик билан топилган ёркин деталлар юрт эгаларининг золимлиги ва пасткашлиги, камбагал-бечора фожиасига мутлақо бефарқлигини кўрсатади.

Бу Қаҳҳор услубининг яна бир қиррасини

очади: дастлаб ёзувчи қаҳрамонлар тақдирига, яхши нарсага ҳам, ёмон нарсага ҳам бефарқ қараётгандек туюлиши мумкин. Лекин бу ташқи бефарқлик автор позициясининг ноаниқлиги ҳақидаги хулосага олиб келмайди. Буни новеллалардаги юксак ижтимоий ғоя ва ёзувчининг ёркин тарихий концепциясига қараб билса бўлади. А. Қаҳҳор ўқувчига «йўл-йўриқ» кўрсатмайди, китобхоннинг ўзи автор айтмоқчи бўлган фикрга келишига эришади.

А. П. Чехов Л. А. Авиловага хатида шундай деб ёзган эди: «Сизга бир ўқувчилик маслаҳатим бор: ночор ва бечора одамларни тасвирлаб, ўқувчининг раҳмини келтирмоқчи бўлсангиз, ўзингиз, совуққонроқ бўлишга ҳаракат қилинг—унинг фонида ўзгаларнинг кулфати бўртиброқ кўринади» [1]. Кейинги бир хатида устоз ўз фикрларини яна конкретроқ айтади: «Ғамгин ҳикоялар ёзганда лоқайдроқ бўлиш кераклигини сизга ёзган эдим... Ҳикоя устида йиғлаб-сиқташ, қаҳрамонлар билан бирга қийналиш мумкин. Бироқ, ўйлайманки, буни шундай қилиш керакки, ўқувчи зинҳор сезмасин...» [2].

А. Қаҳҳор шундай маҳоратга эга. Шунинг натижаси ўлароқ унинг асарларида услубнинг бош белгиси — тасвирланаётган ҳодисаларга муносабат принциплари ўқувчидан «яширин» қолади, улар ҳақида умуман асарни бир бутун ҳолда олибгина, хулоса чиқарини мумкин. «Ўтмишдан эртаклар»нинг «Ҳур

[1] А. П. Чехов. Полн. собр. соч. и писем. Т., 15, 345-бет.
[2] Ўша китоб, 375-бет.

қиз» деб аталган бобида ёш қиз Саврининсонинг фожиали тақдири ҳикоя қилинади. У ҳали жуда ёш. Лекин унинг шу ёш бошига замон гирдиси тушади. Уни зўрлаб турмушга беришмоқчи. Бечора қиз кунини йиғлаб ўтказади. А. Қаҳҳорнинг маҳорати шуки, у ёш қиз бошига тушган бу оғир кулфатни, орзу-ўйлари, интилишларини ва, ниҳоят, фожиали ўлимини бир нечагина ёрқин деталларда кўрсатиб бера олган. Адолатсизлик билан рўпара келган қиз озодликни қўмсайди, узоқларга, бағри тош отанинг ҳам қўли етмайдиган жойларга эркин парвоз қилишни истайди:

«...Саврининсо бошимни тиззасига олиб, силаб, бир куй мақомига тебраниб ўтирди. Чакмага бир томчи илиқ ёш томди. Станцияда паровозлар бир-бирига навбат бермай қичқирар эди. Саврининсо ўйчан, лекин бехтиёр товуш билан гапира бошлади:

— Поезд мени чақиряпти... Чақир! Қаттиқроқ чақир, бораман! Мени узоқ-узоқ юртларга олиб кет!

Қаёқландир пайдо бўлган амакимнинг бақирган товуши эшитилди.

— Қаёққа олиб кетади! — деди ва Саврининсога томон отилди. Мен аранг қочиб қолдим. Амаким лаҳшат ичида ўзини уйга урган Саврининсонинг кетидан отилиб кирди. Саврининсонинг аввал «Дадажон!» деган чинқириғи, кейин мушукдай вағиллагани, ниҳоят ингранги эшитилдию, жим бўлиб қолди».

Саврининсо кечаси билан иситмалаб, саҳарда узилди. «Улик ювилиб, тобутга солингандан кейин азага келган хотинлар орасида: «Қизнинг ўнг биқини моматалоқ бўлиб ётипти, зарб еган экан» деган гап ўрмалаб қолди.

Буни фаҳмлаган фаҳмладию, фаҳмламаган фаҳмламади, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверди». Кўриниб турибдики, ёзувчи ҳатто ўзи иштирок этган воқеага муносабатини очиқ билдирмайди, лекин ёш Саврининг фожиали тақдиридан китобхоннинг таъсирланиши янада кучаяди.

А. Қаҳҳор агар ўз қаҳрамонини севса, уни шундай тасвирлайдики, ўқувчи ҳам бу қаҳрамонни севиб қолади ва, аксинча, бирон салбий тип ҳаракатларидан нафратланса, буни ҳам шу даражада маҳорат билан кўрсатадики, ўқувчи уни беихтиёр ёмон кўради. Бундай ўз муносабатини «юқтириш», самимийлик, эҳтирос ёзувчи новелаларига ўта ҳаётийлик бахш этади.

А. Қаҳҳор услубининг доимий ҳамроҳи унинг самимий юморидир. Бу чин инсоний юмор энг қувончли дамлар тасвирида ҳам энг ғамгин воқеаларни баён қилишда ҳам албатта тасвир тўқимасига сингдирилган бўлади. Қаҳҳор повестини ўқир экан, ўқувчи, К. Маркс айтганидек, ўтмишдан нафратланади ва у билан «кулиб туриб хайрлашади».

Енгил халқ юмори — А. Қаҳҳорнинг ҳамма асарларининг ажралмас хусусияти. «Ўтмишдан эртаклар»да ҳам юморист ёзувчининг маҳорати бўртиб кўринади. Халқ сайиллари, чойхоналардаги гуруғлар, гап-гаштак тасвирларида ўқувчи лабидан енгил табассум аримайди. Халқнинг ўлмас продаси, маънавий кучи, келажакка ишончи, ҳаётга муҳаббати енгил юмор, ҳазил-мутойиба, сўз ўйини билан йўғрилган. Бу халқнинг оғир ҳаётидаги нурларни бўрттириб кўрсатади. Гап ҳаётдаги жаҳолат ва унинг уруғини со-

чувчилар ҳақида кетганда ёзувчи юмори фош қилувчилик характерини касб қилади, енгил юмор аччиқ сарказмга ўсиб чиқади. Айтайлик, «шайтон-арава»ни кўриб ҳушидан кетган кампир воқеаси, Кулаланинг бир палла тарвуз пўчоғида кўрсатган «каромати» учун одамлар унинг устози Абдуқаҳҳорни сеҳргарга чиқариб қўйиши, туғруқхонани «одам зовут» деб таърифлаган кампирдаги қолоқлик қанчалик кулгули туюлмасин, бу халқни шундай жаҳолат ботқоғида ушлаб турган тузум устидан нафрат кулгусидир..

Ёзувчи тасвир услубининг муҳим хислатларидан бири унда кўпинча тасвир объекти билан тасвирлаш манераси ўртасидаги «тескарилик», зиддиятдир. Бундай усул кўпроқ салбий типларни очиш ёки уларнинг ўзини ўзига фош қилдиришда қўлланилади. Қаҳрамоннинг ўзи ҳақида жиддий туриб айтган гаплари ўқувчида нафратли қаҳқаҳа уйғотади. Шу ўринларда А. Қаҳҳорнинг гротескли реализми ёрқин кўринади.

А. Қаҳҳор учун услуб изланишлари — бу фақат бадиий воситалар излаб топиш эмас, балки уларни эффектив, ўрнини топиб ишлатиш ҳамдир. Ёзувчи услубининг муҳим хусусияти фақат қисқалик (лаконизм) бўлиб қолмай, балки ҳар қандай жимжимадорлик, ташқи ялтироқликдан қочиш ҳамдир.

Шундай қилиб, руҳий таҳлилнинг ўзига хослиги, ҳаётий соддаликка интилиш, чуқур эҳтирос, ёлғон кўтаринкиликдан, сентименталлйкдан қочиш, ўткир комик ва сатирик умумлашмалар, оз сўзлаб, тигиз фикр айтиш ва ёрқин сезилиб турган ҳамда ўринли қўлланилган ижтимоий подтекст умуман А. Қаҳ-

ҳор реализмининг ва, жумладан, унинг «Ўтмишдан эртаклар» повестининг ўзига хос хусусиятларидир.

Автобиографик повестни ўқир эканмиз, биз ёш Абдулланинг дунёқараши ва оламни идрок этиши, бўлажак ёзувчи эстетик қарашларининг, унинг такрорланмас реализмининг асл манбаларини ҳам ёрқин кўрамиз.

Худди мана шундай ҳаётий манбалар Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» повестидаги Назирқулнинг ҳам дунёни ўзига хос идрок этишини белгилаб берди. Мусо ва Абдуллалардан фарқли равишда биз Назиржонда ҳаётни чинакам поэтик идрок этишни кузатамиз. Бу повестда халқ ҳаётининг нурли томонлари тасвирига бағишланган саҳифалар чинакам поэзия билан суғорилган. Бу самимий лиризм энг драматик, ҳатто фожиали моментларда ҳам тасвирни ташлаб кетмайди. Худди мана шу мавжуд ҳаёт билан уни поэтик идрок этиш ўртасидаги контраст асарнинг ижтимоий руҳини оширади, давр ҳақиқатини ўзига хос равишда очиб беради.

Автобиографик повестларнинг композицион қурилиши уларнинг сюжет чизиқлари, бадиий тасвир воситалари характерига ҳам актив таъсир кўрсатади. Бу жиҳатдан уччала повесть ҳам фақат ўзларига хос, оригинал хусусиятларга эга.

«Болалик» повести структурасининг воқеалар динамикасидан кўра кўпроқ ўйланган поэга келиб бирикадиган халқ маиший турмушининг юзлаб хилма-хил картиналари қўшилувидан пайдо бўладиган ҳаётнинг табиий оқими ташкил қилади. Шунинг учун ҳам повестда воқеалар оқими ташкилий роль

ўйнамайди. Бу ерда авторнинг асосий диққати автобиографик қаҳрамон дунёқараши, характерини шакллантирган социал-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитни изчил ва батафсил таҳлил қилишга қаратилган. Айни пайтда автор кўрган ва кечирганларини изчил группалаштириб, умумлаштириб ўтирмай, уларни ўзининг табиий оқимида беради. Шунинг учун асарда жамиятнинг турли табақаларидан олинган образлар, воқеа-ҳодисалар, машиий тафсилотлар, ички ва ташқи ҳолатларнинг батафсил тасвири жуда кўп.

Баъзан ҳаёт ҳодисалари повестга кичик-кичик эпизоллар, «қийқим» бўлаклар, лаҳзалик ҳолат ва руҳий кечинмалар кўринишида ҳам киритилади. Баъзан бу ҳодиса ва ҳолатлар камалаги ўзаро кам боғлангандай, баъзи бир машиий тафсилотлар, тасвирларда батафсиллик ортиқчалай ҳам туюлиши мумкин. Асар композицияси шунисн билан характерлики, мана шу кичик лавҳалар бирлашиб, иқилоб арафасидаги Тошкент ҳаётининг панорамасини ҳосил қилади.

А. Қаҳҳор повестида сюжет Ойбек ва П. Сафаров асарларидагидек, автобиографик қаҳрамон ҳаёти воқеаларининг ўзидагина ташкил топмайди. Ёзувчи диққат марказида қаҳрамон характери эмас, балки унинг ҳикояси туради. Асарда автобиографик асарларга хос бўлган хронологик тасвир принципи кўзга ташланмайди. «Ўтмишдан эртаклар»нинг композицион структурасини зоҳиран бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин ёзувчи ғоясига келиб бирлашадиган алоҳида повелла, саҳна ва тақдирларнинг мураккаб бирикиши ташкил этади.

Қаҳҳор новеллалари бутун бир ҳаётнинг ҳар хил лавҳаларидир. Улар ёзилмаган, балки чизилган. Бу новеллалар Ойбек повести эпизодларидан тугаллиги, мустақиллиги билан ажралиб туради. Масалан, «Тешиктош», «Ҳур қиз» боблари ҳар қайсиси ўзича мустақил асардир.

«Ўтмишдан эртаклар»нинг новеллалари ўнлаб фожиали тақдирлар, портретлар галереясидир. Асар қаҳрамонларидан деярли ҳеч бири (ёзувчининг ўз оиласи аъзоларини истисно қилганда) асарнинг бошидан-охиригача иштирок қилмайди: улар ҳақидаги ҳикоя бир новелла рамкасида якунланади. Композицион қурилишнинг бундай новеллистик принципи А. Қаҳҳорга воқеалар тасвирида хронологияни ва тарихий воқеликнинг давр конфликтларини баҳолашда субъективликни четлаб ўтиш имконини берган. Автор воқеаларни айтиб бермайди, балки кўрсатади, у гўё бу ерда «бетараф» бўлиб қолади. Лекин, афсуски, ёзувчи шу принципда охиригача собит қола олмаган. Асосий қисмни безаб турган чуқур тадқиқ, воқеаларни характерлар кураши орқали очиш, сиқиқлик ва объективизм охирги бобга келиб воқеанавислик билан алмашади. Сюжетнинг кескин тезлашишн бу қисмни олдинги боблардан айириб қўяди ва маълум композицион тарқоқлик вужудга келгандай туюлади. Бу қисмга («Қўқон хароба-лари орасида») келиб сюжет оқими тезлашади, тасвирда воқеий ва публицистик пафос кучаяди. Балки бу ўзгаришга маълум маънода оламшумул воқеалар билан тўлган инқилоб даври шиддати кетидан «улгуриб» боришга интилиш, яъни асосга олинган ҳаёт ма-

терпали ҳам сабаб бўлгандир. Ҳар қалай, бу «пуқсон»га ёзувчи онгли равишда йўл қўйган деб ўйлашга етарли асос бор.

Автобиографик асар композициясини ишлашда Н. Сафаров сиполган, «таниш» йўлдан боради. Тўғри, «Кўрган-кечирганларим» ҳам сюжет жиҳатдан айрим бобларга, ҳикоя ва эпизодларга бўлинади. Бу хусусият уни Ойбек ва А. Қаҳҳор повестлари билан яқинлаштиради. Лекин, синчиклаб қаралса, бу бўлиниш шартли эканлиги ҳам сезилади.

Ҳар қайсиси ўз номига эга бўлган айрим боблар бир-бири билан узвий изчилликда боғланган. Бу хусусият ўз навбатида Н. Сафаров асарига эпиклик бахш этади. Бу нарса Н. Сафаров ўз шахсий биографияси материаллари асосида умуман халқ ҳаёти ҳақида кенг пландаги кўп томлик асар яратишда М. Горький ва С. Айний анъаналарини давом эттираётганлигини кўрсатади. Лекин, совет автобиографик асарлари тажрибаси шуни кўрсатадики, бу монументализм бор материални атайлаб «чўзиш», «пуфлаб шишириш», аҳамиятсиз майший тафсилотларни асарга кўплаб киритиш эвазига амалга оширилмаслиги керак.

«Наврўз» романидаги баъзи узундан-узоқ диалоглар, персонажларнинг батафсил ҳикояларидан ташқари айрим бутунлай ортиқча боблар кўзга ташланади. Жумладан, Назирқулнинг уйланиши ҳақидаги батафсил икки боб, бедана ови ҳақидаги ёки Назирқул мушугининг қарға билан қилган «жанг»и ҳақидаги боблар ҳеч қандай ғоявий юк ташимай, улар асарнинг композицион яхлитлигига сезиларли путур етказган.

Автобиографик асарнинг тили ва ҳикоялаш услубини бошқа жанрлардан кескин ажратиб турадиган хусусият ҳикоянинг биринчи шахс тилидан олиб борилишидир. Ёзувчини ёш қаҳрамонининг атроф-борлиқни болаларча кузатиш ва шунга мос хулоса ҳамиша назорат қилиб туради. Шунинг учун «Ўтмишдан эртаклар»да ҳаққонийликка интилган ёзувчи Абдулла дунёқарашига урғу бермайди, уни хулосалар чиқаришга «мажбур» қилмайди. Чунки Абдулла ҳали у воқеалардан бирон-бир хулоса чиқаришга анча ёшлик қиларди. Шунинг учун қаҳрамон у яхши, бу ёмон демайди, хулоса чиқармайди, фақат кўрганларини «эҳтиросиз», болаларча объектив ҳикоя қилиб беради, холос. Н. Сафаров эса повестида бошқача ҳикоялаш усулини қўллайди. У қаҳрамон томонидан кузатилган, лекин автор томонидан идрок қилиб, қайта баҳоланган воқеаларни тасвирлайди. Воқеалар повестда ва «Наврўз» романида ҳам хотира формасида берилган. Автор ёш боланинг дунёни идрок қилишидан тез-тез ташқари чиқиб, ҳикояни ўзи бошқаради.

Н. Сафаровнинг ҳикоялаш принципига публицистик пафос хосдир.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, авторнинг ҳикоялашга типимсиз аралашуви автобиографик қаҳрамон—ҳикоячи овозини бирмунча бўғиб қўяди. Баъзан автор фикрлари ва хулосалари Назиржон тилига кўчиб қолган. Баъзан кичкина қаҳрамон ўз ёши, савиясига мос келмайдиган фикрлар ва хулосаларни айтади.

Ойбек ва А. Қаҳҳор автобиографик асар-

ларидан фарқли равишда Н. Сафаров «Кўрган-кечирганларим» повести ва «Наврўз» романида авторнинг лирик чекиниш приёмидан унумли фойдаланади.

Лирик чекинишлар ўрин-ўрин билан «Болалик»да ҳам учрайди. Улар айниқса драматик воқеалар тасвирига усталик билан сингдирилган. Ёзувчи зулмни янчиш учун кўтарилган халққа, унинг қудратига офарин айтади. Бу эҳтиросли, лирик чекинишлар аксарият публицистик руҳда бўлиб, ўткир ижтимоий фош этувчилик характерига эга.

Лекин «Утмишдан эртаклар»да биз автор овозини деярли эшитмаймиз. Бу А. Қаҳҳорнинг ҳамма асарларига хос хусусият. Хулоса чиқариш китобхоннинг зиммасига қолдирилади.

Бу ҳар хиллик уччала ёзувчи реализмининг ўзига хос қиррасининг, тасвир услубининг ва воқеаларни идрок этишининг, хуллас индивидуал услубининг муҳим кўрсаткичидир. О. Шарафиддинов ёзади: «Ҳатто малакали адабиётшунос ҳам ёзувчи ижодига такрорланмас ранг бағишлайдиган омилларни ҳамма вақт тўла-тўкис айтиб бера олмайди. Негаки, услуб ҳар куни нафас оладиганимиз ҳавога ўхшайди — биз ҳавони таркибий қисмларга ажратиб кўришни хаёлимизга ҳам келтирмай нафас олаверамиз. Услуб ёзувчининг бутун ижодига сингиб кетган бўлади. Уни ижоднинг руҳи, ҳар бир асардан аниқиб турадиган хушбўй ҳид дейиш мумкин. Ёзувчининг ҳаётга муносабатидаги, характер яратишидаги, тасвирий воситаларидаги, фикрлаш йўсинидаги, қўйинчи, ҳатто биографияси ва шахсиятидаги ўзига хосликлар ҳаммаси бирикиб, унинг услубини вужудга келтиради. Бироқ услуб мана шундай мураккаб ҳодиса бўлса ҳам ижоднинг бир соҳаси борки, унда услуб биринчи қарашдаёқ кўзга ярқ этиб ташланиб туради. — Бу ёзувчининг тили. Тилда ёзувчининг маҳорати ҳам, эстетик принциплари ҳам, ҳаёт рангларини пайқай олиши ҳам, нозик фарқларни ҳис этиш қобилияти ҳам аниқ кўринади» [1].

А. Қаҳҳор ва Ойбек ўзбек адабиётида ўзига хос тил ва услуб мактаби яратган санъаткорлардир. Бу санъаткорлар асарларини ўқиган киши ўзбек тилининг қудратини қалбдан ҳис қилади. Иккала санъаткор тил бойлиги деб аталмиш буюк хазинадан ўзига хос жавоҳирлар теради. «Болалик»да бу маҳорат бутун борлиги билан кўринади.

Асар тили жуда содда ва айни пайтда улугвор. Ёзувчи қаҳрамонларини конкрет тасаввур қилишга ёрдам берадиган, уларнинг касби кори, савияси ҳақида конкрет тушунча бера оладиган тил билан қуроллантиради. Айниқса Ойбек персонажлар хатти-ҳаракатларини айниқса ифодалайдиган, уларнинг руҳий ҳолатини конкрет кўрсатадиган бирикмалар ва сўзларни ўринли қўллайди. Повесть тилининг содалиги ва конкретлиги асосан воқеаларнинг ёш бола Мусо нуқтаи-назаридан баҳоланиши билан боғлиқ. Унинг учун мавҳум тушунчалар йўқ, у конкрет ўйлайди ва конкрет сўзлайди. Шунинг учун ҳам Ойбек автобиографик қаҳрамон тили устида астойдил меҳнат қилган. «Болалик» тилининг

[1] О. Шарафиддинов. Истеъдод жилолари. Р. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1976, 146-бет.

ўзига хос муҳим бир хусусияти унда хатти-ҳаракатларнинг келаси замон феъли формасида ифода қилинишидир. Бу, биринчидан, асарга хотира тусини беради, иккинчидан, ҳикоялашнинг ўзига хос оригинал формасини изоҳлайди. Қисқа-қисқа лўнда жумлалар тасвирда конкретлик ва ихчамликни таъминлайди.

Ойбек ҳам, А. Қаҳҳор ҳам, Н. Сафаров ҳам тасвирланаётган даврга оид эски ўзбек сўзларидан унумли фойдаланишади. Лекин бу фойдаланиш персонажнинг касб-кори, савияси, ўша давр колоритини яратишга имкон берадиган даражада қилинади. Повестларнинг асосида эса ҳозирги замон ўзбек адабий тили туради.

Н. Сафароз повестининг тили ва унинг аввалги асарларидан тубдан фарқ қилиши ҳақида айтган эдик. Асарда ёш Назиржон тилига поэтик кўтаринкилик, таъсирчанлик ва кучли эҳтирос хосдир. Лекин асарда автор тили ва айниқса персонажлар тилида ўткир ташбеҳлар, қочириқ, истеҳзо, истиора, сўз ўйинлари, фразеологик бирикмалар кам учрайди.

«Наврўз»да очеркка хос тил устун туради. Ёзувчи ҳар бир қаҳрамон тилини алоҳида индивидуаллаштиришга ҳамиша ҳам эришавермайди.

Моҳир сўз устаси А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» повести тил маҳорати жиҳатидан ҳам алоҳида мақтовга сазовор. Ёзувчининг тил борасида эришган ютуқлари повестда ёрқин акс этиб турибди.

Повесть тилининг муҳим хислатлари ундаги образлилик, конкретлик, соддалик ва

табиийликдир. Асарда ҳар бир персонаж ўз савияси даражасида ва ўзига хос тилда сўзлайди. Қиёсланг:

«Домла мактабга томон кўз ташлади. Унинг хиёлгина ғилай кўзи хижолатданми, ё ғазабданми буткул ғилай бўлиб кетади, лекин товуши ўзгармади: — Албатта, Бухоройи шарифнинг ҳар бир ғиштн илм, ҳар бир тоши ҳикмат, лекин хазинага кирган мушук зарга қарамайди, сичқон овлайди!»

«Али—Лайлак бўғилар эди.

— Бу қизталоқ оқпошшо келиб-келиб кўкламда, ер тобига келиб ҳансираб турганда тахтдан тушганини қара! Чилон Қори билан Эгамбердибой замон нима бўлишини билмай, ҳар йили қарз берадиган пулини тишининг кавагига тиқиб қўйди, бировга бир мири бермайди!»

Назаримизда, бу келтирилган парчалар изоҳ талаб қилмайди. Уларда етук санъаткорнинг қиёмига етган маҳорати «мана мен» деб турибди. Характерлиси шуки, персонажлар тилидан олинган бу парчалар айтган кишининг касби-корию қайси ижтимоий табақага мансублиги, маданий даражасию, сиёсий савияси ҳақида ҳам тўлиқ тасаввур беради. Бу образлилик, бу соддалик самимийлик, ёзувчи бунга эстетик принципларининг муҳим белгиси бўлиб, ёзувчи бунга йиллаб қилинган машаққатли меҳнати билан эришган. Шунинг учун А. Қаҳҳор ёшларга ҳам тилда соддалик ва табиийликка интилишни маслаҳат беради:

«Китобхонга бир фикрни англатиш ёки бир нарсани тасаввур қилдириш учун кишининг бошини қотирмайдиган очиқ, равон ва содда тил керак,— деб ёзади у.— Сурат ол-

дираётган киши суратга чиройли ва келишиб тушмоққа беҳуда зўр бериб, ўзининг табиий ҳолатини бузгандай, ёзувчи чиройли ва «қойил қилиб ёзишга» беҳуда зўр берса, адабий асар учун зарур бўлган тилдаги соддалик, табиийлик бузилади»

Бу принципга А. Қаҳҳор ўз автобиографик повестида содиқ қолган. Повестни китобхонларнинг севимли асарига айлантирган, унинг ўқишлилиги, реализмни, муваффақиятини таъминлаган бош омиллардан бири ҳам унинг гўзал ва бой тилидир.

Биз Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» повестларини қиёсий ўрганиш орқали уларнинг ўзларига хос услуб қирраларини, бадиий тасвирлаш усулларини қисқача бўлса-да ёритишга интилдик. Бу уччала йирик адибларимиз услуби таҳлили асосида ҳам социалистик реализмнинг имкониятлари нақадар бой ва чексиз эканлигининг гувоҳи бўламиз. Мазкур ёзувчиларнинг ранг-баранг тили ва мустақил услуб йўналишлари ҳали қанчалаб янги авлод ёзувчиларимиз учун катта мактаб ролини ўтайди.